O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2010 йил 3 февраль ЧОРШАНБА

№ 9 (12.229)

1928 йил 11 декабрда асос солинган | Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси | www.th.uz



## ЕВРОПА УЧУН КАЛАВАЛАР





**Янгийўл туманидаги "Пластекс" масъулияти чекланган жамияти тўқимачилик саноати учун зарур бўлган ип-калава тайёрловчи етакчи корхоналардан бирига айланди.**

Бугун жамиятда 300 га яқин ишчи-хизматчи фаолият кўрсатмоқда. Йилига 6 минг тонна толани қайта ишлашга ихтисослашган корхона Германия, Швейцария давлатларидан келтирилган 13 миллион АҚШ долларига тенг бўлган энг замонавий технологиялар билан жиҳозланди. Эндиликда маҳсулотларнинг юз фоизи Европа давлатларига экспорт қилиняпти.

**СУРАТЛАРДА:** (юқорида) механик Мираъзам Агзамов оператор Шоҳиста Йўлдошева иш жараёнини компьютер орқали кузатишмоқда; (чапдан) операторлар Нафиса Шодиева, Сайёра Хушматова, Наргиза Мамарасулова тайёр маҳсулотни кўздан кечиришмоқда; дастгоҳлар орасида иш қизғин.

**Собир ЗУФАРОВ олган суратлар.**

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИГА ТАШРИФ БУЮРАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг таклифига биноан 10-12 февраль кунлари давлат ташрифи билан Корея Республикасида бўлади.

Ташриф чоғида Ўзбекистон-Корея ҳамкорлигини кенгайтириш ва ривожлантириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга оид долзарб муаммолар муҳокама қилинади.

Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини янада ривожлантиришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

МУНОСАБАТ

## ФАРОВОНЛИКНИНГ ИШОНЧЛИ КАФОЛАТИ

**Ҳаммамиз учун ягона, азиз ва муқаддас Ватан – мустақил Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маданий ҳаётида ўчмас из қолдириб, унинг тараққиёт йўлида муҳим босқичлар бўлиб қоладиган воқеалар юз бермоқда. Халқ вакиллик органларига янгича сиёсий асосларда ўтган сайловлар муносабати билан вужудга келган ижтимоий-сиёсий фаоллик демократик фуқаролик жамиятини шакллантириш, ҳуқуқий давлатни мустаҳкамлашда муҳим омилга айланди.**

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари муҳокамасига бағишланган мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, ўтган йил бозор муносабатларига ўтиш бўйича биз танлаган, машҳур беш тамойилни ўз ичига олган ўзбек модели, давлатимиз ва иқтисодиётимизни босқичма-босқич, изчил ислоҳ этиш ва тадрижий ривожлантириш стратегияси учун том маънода синов йили бўлди. "Шуни бугун катта мамнуният билан таъкидлашимиз керакки, – деди давлатимиз раҳбари, – ҳукуматимиз томонидан 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши дастурнинг инқироз таъсирини юмшатиш ва бартараф этишдаги роли ва аҳамияти катта бўлди. Мамлакатимиз молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизимининг барқарор ва узлуксиз ишлашини таъминлаш, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқлари ва корхоналарга ёрдам кўрсатиш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларнинг пухта ишлаб чиқилгани ўзининг амалий самарасини берди".

Бу шаҳар ва қишлоқларимизда жўшқин тус олган бунёдкорлик ишларида, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидаги суръатлар, капитал қурилиш, хизмат кўрсатиш соҳаларидаги барқарор ривожланишда намоён бўлмоқда. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Олмалиқ кон-металлургия комбинати, "Ўзметкомбинат" акциядорлик-ишлаб чиқариш бирлашмаси, бошқа бир қатор корхоналарда маҳсулот таннархи 20-25 фоиз камайишига эришилди. Вилоятимизда янги йирик енгил саноат корхоналари, қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи қувватлар ишга туширилди. "Максам-Чирчиқ"да аммиак агрегатларини реконструкция қилиш, "Янги Ангрен – Ўзбекистон" электр узатиш линияси, "Оҳангарон – Пунгон" газ қувурини бунёд этиш лойиҳалари амалга оширилди. Ангрен шаҳрида йил давомида кафолатли транспорт алоқасини таъминлайдиган Халқаро логистика маркази фойдаланишга топширилди.

Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар фермер хўжаликлари мустаҳкам оёққа туриб олишларини таъминламоқда. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш лойиҳаларини амалга ошириш ҳосилдорлик кўтарилишига олиб келаяпти. Натижада пахта, ғалла ва бошқа экинлардан барқарор мўл ҳосил етиштирилаётир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, ягона солиқ тўлови пасайтирилиб, қайд этилган солиқ миқдори камайтирилиши ўз самарасини бермоқда. Кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши барқарор ортиб бораётир.

Мана шуларнинг самараси сифатида таъкидлаш мумкинки, ўтган йили вилоятимизда бюджет тушуми башорат кўрсаткичидан 3,3 миллиард сўмга кўпайди. Натижада Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили муваффақиятли якунланди. Халқ таълими, соғлиқни сақлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш мақсадларига миллиард сўмлаб қўшимча маблағлар ажратилди. Шу муносабат билан "Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури"ни амалга ошириш муваффақиятли бажарилганлигини таъкидлаш ўринли. Ўтган йили 172 та мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилди, 8 та янги мактаб бунёд этилди.

Биз Баркамол авлод йилини мана шундай ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий юксалиш шароитида бошладик. Республика Президентининг куни кеча эълон қилинган "Баркамол авлод йили" Давлат дастури тўғрисида"ги Қарорида соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши учун зарур шарт-шароитлар яратиш борасида кенг кўламли, аниқ мақсадларга йўналтирилган чора-тадбирлар белгилаб берилди.

Аввало, бу йил 85 мингта янги иш ўринларини яратиш кўзда тутилаётганлигини таъкидламоқ керак. Бу олий ва ўрта махсус билим юртлари битирувчилари тўла ишга жойлаштирилади, ёшларнинг турмуш даражаси кўтарилади, деган сўз. Айни пайтда таълим муассасалари харажатларини 342,7, соғлиқни сақлаш соҳасидаги харажатларни 143,5 миллиард сўмга етказиш белгилаб қўйилди. Бу йил маҳаллий бюджетнинг ўзидан маданият ва спортни ривожлантириш мақсадларига ўтган йилгидан 200 миллион сўм ортиқ – 2,5 миллиард сўм маблағ ажратилмоқда. Демак, Баркамол авлод йилида жисмоний соғлом, ҳар жиҳатдан билимли ёшларни тарбиялаш борасида янада катта қадам қўйилади.

Кўриниб турибдики, биз ўз истиқболимиз сари ишончли қадамлар билан одимламоқдамиз. Ўз олдимизга қўяётган мақсадларимиз аниқ, вазифаларимиз улкан. Уларга эришиш, белгиланган режаларни рўёбга чиқариш учун бугунги ижтимоий-сиёсий фаолликни янада кучайтиришимиз, мавжуд ишлаб чиқариш салоҳияти ва имкониятларни ҳаракатга келтиришимиз керак. Бу турмушимиз фаровонлиги, юрт тинчлиги ва ободончилиги учун ишончли асосдир.

**Жўра САЪДУЛЛАЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

## Вилоят ҳаёти

БЎСТОНЛИҚ ТУМАНИ

### УЧ СОҲА ВАКИЛЛАРИ УЧРАШУВИ

**Ғазалкент шаҳрида республика Президентининг "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги қарори ижросига бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди.**

Унда туман хотин-қизлар қўмитаси, тиббиёт бўлими, "Маҳалла" жамғармаси фаоллари, маҳалла қўмиталарининг диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари иштирок этишди. Тренинг қатнашчилари ҳар бир соҳа вакиллари, айниқса, тиббиёт ходимлари, маҳалла маслаҳатчилари олдидаги долзарб вазифалар ҳақида сўзлаб, аҳолининг тиббий-ҳуқуқий маданиятини ошириш, оилаларда соғлом муҳитнинг шаклланишида маҳалланинг ролини алоҳида таъкидлашди.

**Юлдуз ФАЗЛИДДИНОВА.**

ПАРКЕНТ ТУМАНИ

### АЖДОДЛАР МЕРОСИГА ҲУРМАТ

**Тумандаги 1-умумтаълим мактабида "Аждодлар мероси – келажак пойдевори" кўрик-танловининг туман босқичи ўтказилди. Унда ҳудудий босқичда ғолиб чиққан 7 жамоа иштирок этди.**

Якуний натижаларга кўра, 22-умумтаълим мактабининг "Ифтихор" жамоаси 1-ўринни эгаллаб, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва халқ таълими бўлимининг фахрий ёрлиғи ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Ирода МАҚСУД қизи.**

## КАСБИМ – ФАХРИМ

**Тошкентдаги Республика мусиқа ва санъатга ихтисослаштирилган мактаб-интернатида "Касбим – фахрим" мавзусида фестиваль ўтказилди.**

Мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама етук ва баркамол, юксак маънавиятли инсонлар этиб вояга етказиш борасида амалга оширилаётган ишлар ўзининг юксак самараларини бермоқда.

Умумий ўрта таълим даргоҳлари ва касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ўртасида узвий ҳамкорлик йўлга қўйилиб, мактабларда педагог-психологларнинг фаолият кўрсатаётгани, мактабдан ташқари муассасалардаги турли фан, бадиий ижодиёт тўгаракларига ўқувчиларнинг кенг жалб этилаётгани, ёшларнинг иқтидорини аниқлаш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган ижодий танловлар, фестиваллар ҳам ўзининг юқори самарасини кўрсатаётир.

Фестивалда ўрта махсус, касб-ҳунар таълим даргоҳлари, улардаги мутахассисликлар ҳақида атрофлича маълумот берилди.

**«Туркистон-пресс».**

**2010**
**йил учун**
**ОБУНА**
**давом этмоқда**
**ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ**
**газетасининг индекси – 205.**



МАҲАЛЛА

## СЎЗ СЕҲРИ БИЛАН

**Тарбия оиладан бошланади. Хонадонларда ўзаро ҳурмат-эҳтиром, ҳалоллик муҳити қарор топса, фарзандлар билим олишга иштиёқманд, меҳнатсевар бўлиб камолга етади. Шу боис Чиноз туманидаги Навоий номли маҳалла фаоллари оилаларда соғлом маънавий муҳитни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратишаётир.**

– Баркамол авлод йилида ёшларни сўз сеҳри билан тарбиялаш борасидаги саъй-ҳаракатларни жонлантирмоқдамиз, – дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Зулфия Алимуҳамедова. – Айниқса, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчимиз Сурайё Содиқова олиб бораётган ишлар таҳсинга лойиқ. Маслаҳатчимиз аниқ ҳаракат режасини тузиб чиқиб, унга қатъий амал қилаётир.

Маҳалла аҳолиси ўртасида маънавий-маърифий ишлар кучайиб, азалий урф-одатлар ва қадриятлар турмушга чуқур сингиб бораяпти. Оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги кучаймоқда. Бу ўқувчи-ёшларни касбга йўналтириш, ўсмирлар тарбиясини изга солиш, болаларни зарарли одатлар – кашандалик, нашавандлик сингари иллатлардан сақлашда қўл келмоқда. Ўтказилаётган давра суҳбатлари, учрашувлар ўз самарасини бермоқда. Натижада ҳуқуқбузарлик, ахлоқсизлик ҳолатлари барҳам топиб, ёшлар диний экстремистик оқимлар ва турмушимизга ёт бошқа таъсирлардан сақланишига эришилаётир.

**Жўрабек МУРОДОВ.**



**СУРАТДА:** (чапдан) маҳалла фуқаролар йиғини раиси Зулфия Алимуҳамедова, посбон Аҳрор Раҳматхўжаев ва маҳалла фаоли Муҳайё Мўминова навбатдаги тадбир режасини тузишяпти.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

# МУЛЬТФИЛЬМ – ТАРБИЯНИНГ МУҲИМ ВОСИТАСИ

**Ўғил-қизларни юксак маънавиятли инсонлар этиб тарбиялаш, асрлар давомида шаклланган ор-номус, андиша, ҳаё ва иффат, ота-онага ҳурмат, Ватанга садоқат каби ахлоқий мезонлар асосида камолга етказишда ҳар бир воқеа-ҳодисанинг аҳамияти катта. Кичкинтойларнинг беғубор олами, дунёқарашини мунтазам бойитиб бориш муҳим масала. Уларнинг тоза қалбига эзгулик, инсонийлик, меҳр-оқибат туйғуларини сингдиришда эртак ва мультфильмлар қаҳрамонларининг ўрни беқиёс.**

Айни пайтда юртимизда буюк алломаларимиз ҳаёти ва ижодидан ҳикоя қилувчи, фарзандларимизни яхшиликка, яратувчанликка ундовчи миллий мультфильмлар ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилаётир.

– Болаларнинг тасаввур дунёси мисоли оппоқ қоғоз, улар борлиқни ўзлари кўраётган нарсалар орқали идрок этиб, шу туйғулар таъсирида камол топади, – дейди "Ўзбекфильм" киностудияси мультбирлашмаси постановкачи режиссёри Мавзур Маҳмудов. – Бу жараёнда болалар учун мультфильмлар алоҳида аҳамиятга эга. Эртак ва достон, афсона ва мультфильм қаҳрамонлари болаларнинг мурғак тасаввурига бир умрга муҳрланади. Шу боис мамлакатимизда ўғил-қизлар учун меҳрибонлик, меҳнатсеварлик, мардлик ва жасорат каби фазилатлар акс эттирилган миллий мультфильмлар яратишга катта эътибор берилмоқда.

Ана шундай мультфильмлардан бири режиссёр Нозим Тўлахўжаев суратга олган "Алпомиш" фильмидир. Бу мультфильм фарзандларимизга ватанпарварлик фазилатларидан сабоқ беради.

Асардаги турли мусобақалар, ботирлар беллашуви, кичкинтойларни мард ва жасур бўлишга ундайди. Барчинойнинг ибо-ҳаёси, донолиги, ақл-заковати, одоби, ўзбек қизларига хос садоқати таъсирчан воситалар орқали намойиш этилган. Шунингдек, гўзал манзаралар, ёрқин ранглар танланганлиги, тасвир ва овознинг мутаносиблиги унинг янада қизиқарли чиқишига хизмат қилган.

Юртимизда болаларнинг юксак фазилатлар эгаси бўлиб шаклланишига хизмат қиладиган миллий мультфильмлар яратилаётгани қувонарли. Бироқ бундай сифатли, замонавий фильмлар етарли даражада эмас. Шу боис фарзандларимиз хорижнинг жангарилик, зўравонлик сингари иллатларни тарғиб қилаётган мультфильм ва ўйинларини ҳам томоша қилаётгани кишини ўйлантиради.

Яқинда бир хонадонда беш-олти яшар болакай қайсидир хориж мультфильмида кўргани каби, синглисини това билан урибди. Ваҳоланки, ўша манзаранинг ўрнида бола эзгулик руҳи сингдирилган воқеани кўрганида бундай аянчли ҳолат юз бермаган бўларди. Мультфильмдаги кичик лавҳа болани шундай ҳаракатга бошлабдики, келажакда бундан ҳам катта фожиаларни келтириб чиқармаслигига ҳеч ким кафолат беролмайди.

Илгари болалар мультфильмларни фақат телевизорда кўрарди. Техника ривожи туфайли ҳар бир хонадонга сунъий йўлдошли каналлар, аудио ва видео ускуналар, интернет кириб келди. Ахборот-коммуникация соҳасида улкан имкониятларни тақдим этган бу воситалар фарзанд тарбияси, маънавий камолоти борасида қатор муаммоларни келтириб чиқараётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас. Хусусан, улар орқали тарқатилаётган мультфильмлар, кино асарлар, турли ўйинларнинг ҳаммасини яхши, деб бўлмайди. Айниқса, компьютер технологиялари тараққиёти ёрдамида яратилаётган айрим мультфильмларда зўравонлик, ёвузлик, беҳаёлик ва жангарилик каби иллатлар тарғиб қилинаётгани фарзандларимизнинг маънавий оламига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шифокорларнинг таъкидлашича, зўравонлик воқеалари тасвирланган экран асарлари боланинг нафақат маънавий камолотига, балки жисмоний ривожланишига ҳам қаттиқ зарар етказади. Боланинг бир кунда уч соатдан ортиқ телевизор қаршисида ўтириши уларнинг ақлий ривожланиши пасайиши, турли хасталикларга чалинишига сабаб бўлади. Узоқ вақт экранга тикилиб ўтириш натижасида болада тез толиқиш, асабийлашиш ҳолатлари пайдо бўлади.

Гап бадиий пухта мульт-асарлар хусусида борар экан, табиийки, мультфильмнинг сифатли, мазмунли ва қизиқарли бўлиши кўп жиҳатдан сценарийларга боғлиқ эканлиги ўз-ўзидан аён. Шу боис "Ўзбеккино" Миллий агентлиги томонидан 2010 йилда ёш томошабинлар учун миллий асарлар асосида мультфильмлар яратиш мақсадида шоир ва ёзувчилар, адабиётшунослар ва маҳоратли режиссёрлардан иборат гуруҳлар ташкил этилди.

Болалар учун яратилаётган асар мурғак қалбларнинг маънавий оламини бойитишга, эзгулик, инсонийлик каби олий хислатларга ошно этишга хизмат қилиши лозим. Шу боис фарзандларимиз қандай эртак эшитиб, қандай мультфильм кўраётгани каттаю кичикнинг диққат марказида бўлиши даркор. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда миллий ўзлигимиз, азалий қадриятларимизга ёт ва бегона бўлган турли хуружлар, ёшларимизнинг онги ва қалбини эгаллашга қаратилган ғаразли интилишлар тобора кучайиб бораётгани барчамизни янада ҳушёр ва огоҳ бўлишга даъват этиши табиийдир.

**Гўзал САТТОРОВА,**
**ЎзА мухбири.**




– *Нонимиз ҳам арзон, ҳам сифатли.* Еркебой БОТИРОВ сурат-лавҳаси.

## МАЛҲАМ ЎСИМЛИКЛАР ДОРИХОНАСИ

### НАФАС СИҚҚАНДА

**Ҳозирги кунда астма касаллигининг жуда кўп турлари ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари аниқланган бўлиб, тиббиётда бу касаллик самарали даволанади.**

Кўпинча ўпка нафас йўллари бронхларининг яллиғланиши натижасида нафас сиқилиши пайдо бўлиб, у йўтал, бурун ва томоқнинг қичиши билан кечади.

Асосий даволанишдан бошқа халқ табобати йўллари ҳам қўлланилади. Шулардан бир нечтасини тавсия этамиз:

40 дона кука баргини ярим литр қайнаган сувга солиб, 30-40 дақиқадан кейин беморнинг кўкрагига қўйиш керак;

ялпиз ўти ва чой сутнинг устки қисмини тенг миқдорда аралаштириб, бир ош қошиқда бир коса қайнаб турган сувга солиб, беш дақиқа қайнатилади. Кейин докада сузилиб, икки ош қошиқдан уч маҳал овқатдан олдин ичилади. Даволаш муддати – икки ой.

### АСАБ БУЗИЛГАНДА...

**Одам чарчаганда, уйқусизликда асаб касалликлари келиб чиқади. Ибн Сино асаб касалликларида мусиқа билан даволашни қўллаган.**

Ҳозирги кунда ҳам психотерапевтлар шу усулни қўллайдилар.

Халқ табобатида эса, саккиз чой қошиқ майдаланган лимонўтни бир коса қайнаб турган сувга солиб, дамланади. Сўнгра докадан ўтказиб, бир ош қошиқдан тўрт маҳал истеъмол қилинади;

бир ош қошиқ майдаланган исмалоқ бир коса қайноқ сувга солинади ва ўн дақиқа қайнатилади. Сўнг докада сузиб олиниб, уч маҳал ярим пиёладан ичиб турилади.

**Тоҳир ИБРОҲИМОВ,**
**тиббиёт фанлари доктори, профессор.**

## КУЛГАНГА НИМА ЕТСИН

### Соддалик ҳам фойдали

*Йигит кечга томон пиёда, устига-устак шаррос қуяётган ёмғирда кетаётса, ёнидан бир автомашина секин ўтиб қолибди. Қараса, машинанинг ичида ҳеч ким йўқ эмиш. Йигит олдинги эшикни очибди-да, ўриндиққа ўтириб олибди. Машина юриб бориб, чойхона олдида тўхтабди. Йигит етиб олганига шукр қилиб, чойхонага кирибди. Қорнини қаппайтириб, чойхонадан чиқса, машина олдида иккита одам ҳансираб турганмиш. Улардан бири иккинчисига дермиш:*

*— Ҳали машинани итариб келаётганимизда унга чиқиб олган нусха мана шу бўлади!*

### Сабаб

*Суд ажралиш ҳақидаги ишни кўриб чиқмоқда.*

*— Хотинингиз билан нега ажрашмоқчисиз? — эрдан сўрашди.*

*— Ишхонамиздан санаторийда дам олиш учун иккита йўлланма беришди. Мен дарҳол хотинимга қўнғироқ қилиб, “Санаторийга дам олгани мен билан бирга борасанми?” дедим. У, “Жоним билан бораман”, деди. Аммо дам ўтмай, “Қўнғироқ қилаётган ким ўзи?” деб сўради.*

### Жонбозлик

*Театрнинг қоровули қизиқсиниб актёрдан сўрабди:*

*— Кўпинча спектаклларинг ярим соатда тугайди-ю, баъзи кунлари томошаларинг уч соатга чўзилиб кетади-я! Бунинг сабаби нимада?*

*— Актёрларимиз жонбозлик кўрсатиб залда охирги томошабин қолгунча спектаклда ўйнашаяпти-да!*

## НИЁЗБОШ ҲАНГОМАЛАРИ

*Ниёзбош қишлоғини нафақат Янгийўл туманида, балки вилоят, ҳаттоки республикада ҳам кўпчилик яхши билади. Ниёзбошликлар дангалчи, чўрткесарлиги, ҳазил-мутойибага мойиллиги билан бошқаларидан ажралиб туради. Янгийўллик журналист Аҳмаджон Рихсибоевнинг эътиборингизга ҳавола этилаётган ҳангомалари кенг феълли, турфа табиатли қишлоқдошлари ҳақида.*

### ПОЙТАХТЛИК АКА-УКАЛАР

Юсуфжон дўстимиз "Тошкент-Янгийўл" маршрутида халқимизнинг узоғини яқин қилиб келаётган инсонлардан бири. Нима бўлибди-ю, машинаси бузилиб, устага борибди. Уста акамиз ҳам керакли эҳтиёт қисмларни қоғозга ёзиб, пойтахтдаги Сирғали бозорига жўнатибди. Оғайнимиз ҳарна, ёрдамлашар, деб ўғли Ёқубжонни ҳамроҳ қилиб олибди. Ота-бола бозорга кириб келишлари билан шаҳарлик бозор кўрган йигитчалар:

– Келинг, дода, сизга керакли запчастлар бизда бор, – деб уларни чақира бошлабди.

Бу гапларни эшитиб келаётган Ёқубжоннинг шумлиги тутиб:

– Дада, шаҳарда шунча ака-укаларим бор экан-ку, билмас эканман. Шу пайтгача нима сабабдан бизларга таништирмагансиз, – дермиш.

### КИРГАНИНИ ЭМАС, ЧИҚҚАНИНИ УШЛАНГ

Бир пайтлар роса довруқли бўлган Ниёзбош жамоа хўжалигига Нишонали Авазов кўп йиллар раҳбарлик қилган. У киши қаттиққўл, тажрибали раҳбар бўлиши билан бирга қишлоқ аҳлига қайишадиган инсон ҳам эди.

Ўша пайтлар пишган ғиштдан уй қурган одамга ола қаралар эди.

Бир куни Йўлдош исмли хўжалик аъзоси ўғлига янги уй қуриш мақсадида икки юк машинада пишган ғишт олиб келаётса қишлоқ участка нозири машиналарни тўхтатиб, далолатнома тузибди. Шу пайт раис ўтиб қолибди ва машинадан тушиб:

– Ҳорманг, ўртоқ участкавой, – деб сўрабди. – Тинчликми, нима гап?

– Ўртоқ раис, жиноятчиларни ушлаб, далолатнома тузаяпман.

– Ким экан, ўша жиноятчилар?

– Мана булар-да.

– Ундай деманг, уят бўлади. Ахир булар қанақасига жиноятчи бўлсин. Янги уй қураман, тўй қиламан деган одам жиноятчи бўлаверса, бунақада соғ одам қолмайди-ку?! Сизга оталик маслаҳатим – қишлоққа олиб кирганни эмас, қишлоқдан олиб чиққанни ушланг. Ана шунда ўсасиз ўғлим, – деб машинасига ўтириб, йўлида давом этибди раис бува.

### «ИЛОН» БИЛАН ЁНМА-ЁН

"Ниёзбош" ҳар йили давлат шартномавий режасини ортиғи билан бажариб келаётган йиллар эди. Йил якунида катта йиғин ўтказилиб, илғорлар муносиб совғалар билан тақдирланар, таниқли санъаткорлар келиб, катта концерт беришарди.

Навбатдаги байрам олдидан бошқарув раиси хўжалик ёшлари етакчисини мавжуд йигирма икки бригада бошлиқларининг олдига жўнатиб, уларнинг ҳаммасига бир хил, яъни "Ҳозир оёғингиз остидан илон чиқиб қолса нима қилардингиз, илондан қўрқасизми?" деган саволга жавоб топиб келишга юборади.

Мақсад – байрам тантанасида энг қизиқарли ва кулгили жавоб соҳибини рағбатлантириш эди. Ушбу саволга ҳар ким ҳар хил жавоб беради. Бироқ, бизнинг ҳазилкаш Ўлмас оғайнимиз "бошқаларни билмадим-у, мен йигирма йилдан бери илон билан яшаяпман" деган жавобни бериб, бош соврин соҳиби бўлган эди.

### ЯНГИЧА ЖАЗО

Бу воқеага ҳам анча йиллар бўлган.

Хўжалик ҳисобчиси Эркин ака ҳар бир рақам устида етти ўлчаб, бир фикрлайдиганлардан эди. Лекин, Эркин аканинг бир камчилиги – ишхонасини тоза тутмас, тахлам-тахлам қоғозлар стол устида бетартиб сочилиб ётарди.

Бир куни хўжалик раҳбари у кишининг хонасига кириб қолади. Илгари ҳам бу хонадаги тартибсизликлар учун ҳисобчига бир неча бор дакки берган бўлса-да, аҳвол ўзгармаганидан ранжиган раис Эркин акага бир хўмрайиб қараб:

– Эркинбой, сизга яна қандай дакки беришга ҳайронман. Яхшиси эртага эрталаб, келин идорага келсин. Қолган гапни ўшанда гаплашамиз, – дейди-да хонадан чиқиб кетади.

Эркин ака эрталаб хотини билан идорага келгач, раиснинг ҳузурига киришди. Раис ҳеч бир гап-сўзсиз уларни ҳисобхонага бошлади.

– Келин, қўлингизга супургини олинг. Хонасини тоза тутмаган, тартибсиз ходимларни бундан буён шундай жазолайман.

Ўша куни эр-хотин кечгача ҳисобхонани тартибга келтираман деб, роса терга ботишади.

Бу ҳам камлик қилгандек, Эркин ака келинойимиздан ҳам эшитадиганини эшитади. Шундан сўнг ҳисобхонага кирганлар жазонинг бундай усули самарали эканлигига тан беришади.

**Аҳмаджон РИХСИБОЕВ.**

ҲАЁТ САБОҚЛАРИ

## ХАТО УЧУН ЖАЗО

Нигора уйидан ял-ял ёниб чиқди. Ёшлик – гўзаллик фаслини бошидан ўтказаётган қизга қайси йигит ошиқ бўлмайди, дейсиз?! Бироқ Нигоранинг кўнгли... оилали, 3 фарзанди бор эркакда.

Зоир Нигоралар яшайдиган маҳалла орқали "Дамас"да йўловчи ташийди. Бир ойча муқаддам уйдан шошилганча чиққан қиз қаршисида ўқдек учиб келаётган маршруткага қўл кўтарди. Машина қизнинг ёнгинасида тўхтади. Орқа ўриндиқлар йўловчилар билан банд бўлганлиги сабабли Нигора олд эшикни очди ва ўзига тиржайиб қараб турган ҳайдовчининг ёнидаги ўриндиққа ўтиришга мажбур бўлди. Машина ўрнидан қўзғаларкан, ҳайдовчи қизга сўз қотди. Дастлаб Нигора унга парво қилмади. Бироқ ҳайдовчининг илмоқли гапларига эътибор бермасликнинг иложи бўлмади. Боз устига ҳайдовчининг тилло тишларини кўрсатиб яйраб кулишлари Нигоранинг эътиборини тортган эди.

Дастлабки кун бўлиб ўтган қисқа савол-жавоблар эртаси, индинига бироз жонлангандай бўлди. Авваллари Нигора ўқишга автобусда қатнарди, энди эса "Дамас"да. Унинг жойи "Дамас"нинг олд ўриндиғи бўлиб қолди. Йўловчилар узатган йўл ҳақини санаб оладиган, қайтимларини чаққонлик билан эгасига узатадиган ҳам Нигора.

Кўп ўтмай Нигора билан Зоир қадрдон бўлиб кетишди. Ўзини Нигоранинг асиридек тутаётган Зоир қизга ипакдек мулойим гапирар, ўз оиласи ҳақида сўз борганда эса, хотинига кўнгилсиз эканини, уч боласи туфайли у билан яшашга мажбурлигини уқтиришга ҳаракат қиларди.

Дили билан тили бошқа Зоир Нигорани осонгина қўлга олди. У қизнинг дардида куйиб-ёнишларига ишонтириш учун бирор марта Нигорага совға-салом олиб бермади, унинг учун вақт ҳам, пул ҳам сарфламади. Бироқ айёрлик билан содда қизнинг ишончини қозониб, қалбини ром эта олди.

Бир куни эрта тонгда Нигора қаршисида тўхтаган машинада йўловчилар кўринмади. Бунинг сабабини эса Зоир: "Сизни узоқларга олиб қочиб кетяпман" деб изоҳлади. Сўнгра қўшиб қўйди: "Мен билан дунёнинг нариги чеккасига ҳам боришга розимисиз?" Нигора жавоб ўрнига Зоирнинг елкасига бош қўйди.

Қизнинг қалтис қадами, ўткинчи ҳиссиётларга берилиб, Зоирнинг қуруқ ваъдаларига ишонгани унга жуда қимматга тушди. Аввал тоғ ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олган, муздек зилол сувда чўмилган, яйраб дам олган Нигора кечга бориб ихтиёрини қандай қилиб Зоирга топшириб қўйганини билмади.

Эртаси кундан бошлаб Нигораларнинг кўчасида "Дамас" ҳам, Зоир ҳам кўринмай қолди...

**Аллома АЗИЗОВА.**

РАССОМ ХАНДАСИ



– *Оғайни, эҳтиёт бўл! Сўнгги пайтларда бундай йўлаклардан одамлар атайлаб секин ўтишаяпти.*





Утерянное свидетельство частного предпринимателя № 0803673 от 07.09.2007 г., выдано инспекцией по регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского района на имя Худаярова Давронбека Атхамовича (ИНН 600444055),
**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Частное предприятие "DI OYIL EKSPORT IMPORT" (ИНН 300968947) сообщает о сдаче лицензии АА № 0000419 на оптовую торговлю, выданную хокимиятом Юкоричирчикского района Ташкентской области от 12.11.2008 г. и признании ее недействительной.

Утерянный диплом ИТ-I № 147151 (реестр. № 4914), выданный в 1985 году Электротехническим медицинским техникумом (отделение "Ортопедическая стоматология") на имя Рахматуллаева Заурбега Гаджиевича,
**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Собир Раҳимов тумани ҳокимлиги томонидан 02.12.2008 йилда якка тартибдаги тадбиркор Сайнурдинов Саиджалол Саидкамолович номига берилган (реестр тартиб рақами № 0508419) 05-06484 рақамли гувоҳнома (патент) йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент Давлат фармацевтика институти томонидан 1987 йилда Бурханова Феруза Мирзакаримовна номига берилган ИВ № 939980 (қайд рақами 7149) рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Утерянное адвокатское удостоверение № 611, выданное на имя Шарипова Умиджана Маратовича управлением юстиции г. Ташкента,
**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

ООО "ART-SAIDBEK-FOOD" (код ОКОНХ 71300) объявляет о своем присоединении к ООО "MAGMA-PREMIUM" (код ОКОНХ 71300).

Правопреемником всех прав и обязательств ООО "ART-SAIDBEK-FOOD" будет являться ООО "MAGMA-PREMIUM". Претензии принимаются по адресу: г. Ташкент, ул. У. Насыра, дом 54.

Объявление, опубликованное в газете "Тошкент ҳақиқати" (№ 102 (12,218)) от 23.12.2009 г. о ликвидации ООО "MIKRAS-AZIYA LYUKS", **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ** в связи с продолжением хозяйственной деятельности ООО "MIKRAS-AZIYA LYUKS".

Якка тартибдаги тадбиркор Алаудинов Дмитрий Ходжинумонович номига берилган 0301531 реестр рақамли гувоҳнома (патент) йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Янгийўл туманидаги 57-ўрта мактаб томонидан 2009 йил 22 июнда Салимжанов Азизбек Абдурахим ўғли номига берилган U № 4001564 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ўртачирчиқ туманидаги 26-мактаб томонидан 2003 йилда Исмаилов Аҳмаджон Абидович номига берилган O'RA № 1441615 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Утерянный план квартиры, расположенный по адресу: г. Ташкент, Хамзинский район, ул. 5 пр. Хуснобод, дом 4/5, кв. 32, выданный БТИ Хамзинского района г. Ташкента на имя Величугиной Тамары Егоровны,
**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

**Манзилимиз:** 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
**Телефонлар:**
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03, 236-53-54.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир **Сайёра РИХСИЕВА**
Навбатчи **Хуршида НАЗАРОВА**
Саҳифаловчи **Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ**

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-140. Адади 13000. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. **ISSN 2010-9318.**

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. *"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.* Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 18.20. 25678